

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.S.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

РАШИДОВ РУСТАМ РАСУЛОВИЧ

АФҒОН ДАВЛАТЧИЛИГИ ШАКЛЛАНИШИГА ХАЛҚАРО
ВА МИНТАҚАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

23.00.04 – халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг
сиёсий муаммолари

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018 йил

УДК: 327(581)
ББК: 66.2(5)

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
политическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Political Science**

Рашидов Рустам Расулович

Афғон давлатчилиги шаклланишига халқаро ва минтақавий
жараёнларнинг таъсири 3

Рашидов Рустам Расулович

Влияние международных и региональных процессов на
формирование афганской государственности 23

Rashidov Rustam Rasulovich

Influence of international and regional processes in the formation of
Afghan statehood 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 45

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.S.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

РАШИДОВ РУСТАМ РАСУЛОВИЧ

АФҒОН ДАВЛАТЧИЛИГИ ШАКЛЛАНИШИГА ХАЛҚАРО
ВА МИНТАҚАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

23.00.04 – халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг
сиёсий муаммолари

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018 йил

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Siyos81 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ёвқочев Шухрат Акмалевич**
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Туляганова Ниҳола Узбековна**
сиёсий фанлар доктори, профессор
Жўраев Сайфиддин Аҳматович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Президенти**
ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро
тадқиқотлар Институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.S.21.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (998971) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (998971) 233-52-24;

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___-рақамли реестр баённомаси).

Н.Қ. Жўраев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

А.А. Шарапов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, с.ф.н.

Р.З. Жумаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг Афғонистонда «Толибон» ҳаракатининг ҳокимиятдан четлатилиши билан бир неча йилдан буён давом этаётган афғон муаммоси ҳал бўлиб қолгани йўқ. Ушбу даврда Афғонистонда юзага келган ички сиёсий вазият, афғон жамиятини демократлаштиришнинг муҳим бўғини бўлиши назарда тутилган янги шаклдаги давлатчиликнинг шаклланиш жараёни афғон муаммосининг ижобий ҳал этилишидан манфаатдор бўлган минтақа давлатлари, қолаверса бутун дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Афғон давлати атрофида кейинги бир ярим аср давомида рўй берган воқеалар ва унга халқаро ҳамда минтақавий жараёнларнинг таъсири масаласи долзарб тадқиқот мавзуларидан бўлиб келмоқда.

Афғонистонда замонавий давлатчиликнинг шаклланиши (хусусан, тегишли давлат тузилмаларининг шакллантирилиши ва уларнинг самарали фаолият юритиши) билан мамлакат худудидан қўшни давлатларга ва минтақадан ташқарига хавф солаётган диний экстремизм, терроризм, наркотик моддалар етиштириш ҳамда уларнинг савдоси каби иллатларни бартараф этиш имконияти яратилади. Замонавий афғон давлати, аввало афғон заминида, қолаверса минтақада хавфсизлик ва барқарорликнинг таъминланиши йўлида пойдевор бўлади. Айти пайтда Афғонистонда замонавий давлатчиликнинг барча асослари яратилган бўлса-да, ҳозирги афғон давлати ўзининг асосий вазифаларини тўла бажара олмаяпти. Яъни, мамлакатда ҳали-ҳамон хавфсизлик таъминлангани йўқ, тинчлик ҳамда барқарорликка таҳдидлар мавжуд ва умуман айтганда, Афғонистонда можароли вазият сақланиб қолмоқда. Афғон заминидаги бундай беқарорлик ҳамда можароли вазиятнинг сабаблари сифатида Афғонистоннинг дунёдаги ва минтақадаги етакчи кучлар геосиёсий манфаатлари тўқнашган жойга айланганлиги ҳамда бир неча йиллик уруш ҳамда ички зиддиятлар оқибатида давлатчилик анъаналарининг дарз кетганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистоннинг кўпқиррали ташқи сиёсатида қўшни мамлакатлар, айниқса Афғонистон билан алоқалар янги босқичга чиқди. Ўзбекистон бир неча йиллар давомида нотинч бўлиб келаётган Афғонистон билан бевосита чегарадошлиги туфайли афғон муаммосининг ижобий ҳал этилишидан манфаатдордир. Бу бутун Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликнинг таъминланиши, минтақада ўзаро ҳамкорлик ва ишончнинг ортиши ҳамда минтақанинг ривожланаётган иқтисодиёти учун кенг имкониятларнинг вужудга келишида намоён бўлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти шундай деган эди: «Ушбу уруш нафақат Афғонистоннинг муаммоси, балки тобора мураккаблашиб бораётган халқаро муаммога айланди... Афғонистон хавфсизлиги – бу Ўзбекистон хавфсизлиги, бутун бепоён Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси

барқарорлиги ҳамда тараққиётининг гаровидир»¹. Ўзбекистон Республикаси бир неча йилдан буён давом этаётган афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этилиши тарафдори бўлиб келмоқда. Ўзбекистон томонидан халқаро миқёсда билдирилган қатор таклиф ва ташаббуслар бунинг исботидир.

«Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун (2012), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февридаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони ва мазкур мавзуга оид бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-ахлоқий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Афғон давлатчилиги шаклланиши ва унинг атрофида кечган халқаро муносабатлар, замонавий босқичдаги давлатчилик шаклланиши жараёни ва бу борадаги муаммолар, мамлакатдаги сиёсий вазиятга ташқи кучларнинг таъсирига доир илмий тадқиқотларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ: давлат ва давлатчилик тушунчаси, шаклланиши, бу борадаги қараш ва ёндашувлар бўйича назарий ҳамда амалий тадқиқот ишлари. Ушбу йўналишда хорижлик олимлар М.Вебер, L.Brahimi, F.Fukuyama, S.Kaplan, D.Lake, S.C.Paine, R.Paris, T.Sisk ҳамда R.Rotberg² давлат қурилиши ва бошқарувининг назарий-концептуал асосларини, инкирозли давлатларда ва можаро бартараф этилган мамлакатларда замонавий давлатчиликни барпо этишнинг сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларига доир тадқиқот ишларини амалга оширган бўлсалар, МДҲ давлатларида Н.А.Власенко, Л.Е.Гринин, В.В.Лазарев, В.С.Нерсисянц,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи / «Халқ сўзи» газетаси 2018 йил 28 март, №59-60 (7017-7018).

² Вебер М. Избранные произведения: Пер. с нем. / Сост., общ. ред. и послесл. Ю.Н.Давыдова; Предисл. П.П.Гайдено. – М.: Прогресс, 1990. 808 с.; Brahimi, L. State Building in Crisis and Post-Conflict Countries / 7th Global Forum on Reinventing Government: Building Trust in Government. 26-29 June 2007, Vienna, Austria. 20 p. URL: <http://unpan1.un.org/intradoc/groups/public/documents/UN/UNPAN026305.pdf>; Fukuyama, F. State-Building: Governance and World Order in the 21st Century. – Ithaca: Cornell University Press, 2004. 137 p.; Lake, D. The Practice and Theory of US Statebuilding / Journal of Intervention and Statebuilding. Vol. 4 (2010). – P. 257-284. URL: <http://www.tandfonline.com/doi/pdf/10.1080/17502977.2010.498933?needAccess=true>; Kaplan, S. Identity in Fragile States: Social Cohesion and State Building / Development. Vol. 52 (2009). – P. 466-472. URL: <http://www.gsdrc.org/document-library/identity-in-fragile-states-social-cohesion-and-state-building>; Paine, S.C.M. (Editor). Nation Building, State Building, and Economic Development: Case Studies and Comparisons. – London: M.E. Sharpe, 2010. 300 p.; Paris, R. and Sisk, T. (Editors). Dilemmas of Statebuilding: Confronting the Contradictions of Postwar Peace Operations. – London: Routledge, 2009. 354 p.; Rotberg R. When States Fail: Causes and Consequences. – Princeton: Princeton University Press, 2004. 255 p.

А.С.Шабуров, В.Н.Хропанюк³ каби олимлар давлат ва давлатчилик тушунчаларининг моҳияти, мавжуд назарий концепциялар ва ҳамда ёндашувларга эътибор қаратишган. Ўзбекистонда С.М.Адилходжаева ва А.Зиё⁴ каби олимлар давлатчилик тушунчасига таъриф бериб, унинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатларини ёритишган.

Иккинчи гуруҳ: тадқиқ этилаётган даврда можаро туфайли афғон давлатчилигида рўй берган ўзгаришлар, афғон давлатининг халқаро ҳамда минтақавий жараёнларга тортилишининг сабаб ва оқибатлари каби масалаларга бағишланган илмий ишлар L.Adamec, T.Barfield, G.Dorransoro, H.Emadi, W.Maley, A.Rashid, B.Rubin, S.Tanner, G.Vartan⁵ каби хорижлик олимлар томонидан амалга оширилган бўлса, В.С.Бойко, А.А.Князев, В.Г.Коргун, Р.Р.Сикоев ва А.Чихринова каби МДҲ мамлакатлари олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда афғон давлатчилиги тарихи, афғон давлатига нисбатан етакчи кучларнинг тажовузкор муносабатлари ва Совет Иттифоқи намунасидаги шўропараст ҳукумат фаолияти каби масалалар ўз аксини топган⁶. Мамлакатимизда Ш.И.Акмалов, Л.Ф.Кашинская, С.С.Сафоев ва Н.У.Туляганова каби олимлар ўз ишларида⁷

³ *Власенко Н.А.* Теория государства и права: учебное пособие (2-е издание, переработанное, дополненное и исправленное). – М.: Проспект, 2011. 416 с.; *Гринин Л.Е.* Эпоха формирования государства: Общий контекст социальной эволюции при образовании государства. – М.: КомКнига, 2007. 272 с.; *Общая теория права и государства: Учебник / Под ред. В.В. Лазарева.* - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Юристъ, 2001. 520 с.; *История политических и правовых учений: Учебник для вузов / Под общ. ред. акад. РАН, д.ю.н., проф. В.С.Нерсесянца.* – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Норма, 2004. 944 с.; *Шабуров А.С.* Государство и государственность: вопросы соотношения / Известия ИГЭА (Иркутской Государственной Экономической Академии). №3 (83) 2012.; *Хропанюк В.Н.* Теория государства и права. Учебник для высших учебных заведений / Под редакцией профессора В. Г. Стрекозова - М.: Интерстиль, Омега-Л. 2008. 384 с.

⁴ *Адилходжаева С.М.* Понятие и эволюция национальной государственности Узбекистана. URL: <http://uzstathood.uz/?p=8>; *Зиё А.* Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) // Масъул муҳаррир: Б.Аҳмедов. – Т.: Шарқ, 2001. 368 б.

⁵ *Adamec, L.W.* Afghanistan's Foreign Affairs to the Mid-Twentieth Century: Relations with the USSR and Britain. – Tucson: University of Arizona Press, 1974. 324 p.; *Barfield, T.* Afghanistan: a Cultural and Political History. – New Jersey: Princeton University Press, 2010. 389 p.; *Dorransoro, G.* Revolution Unending. Afghanistan: 1979 to the Present. – London: Hurst & Co., 2005. – 370 p.; *Emadi H.* Dynamics of Political Development in Afghanistan. The British, Russian, and American Invasions. – New York: Palgrave Macmillan, 2010. 288 p.; *Rashid, A.* Taliban: Islam, Oil and the New Great Game in Central Asia. – London & New York: I.B.Tauris, 2002. – 276 p.; *Rubin, B.* The Fragmentation of Afghanistan. State Formation and Collapse in the International System. – New Haven: Yale University Press, 2002. – 378 p.; *Tanner, S.* Afghanistan. A Military History from Alexander the Great to the Fall of the Taliban. – Cambridge (Massachusetts): Da Capo Press, 2003. – 351 p.; *Maley, W.* The Afghanistan Wars. – New York: Palgrave Macmillan. 2002.– 340 p.; *Vartan, G.* The Emergence of Modern Afghanistan. Politics of Reform and Modernization. – California: Stanford University Press, 2013. 680 p.

⁶ *Бойко В.С.* Власть и оппозиция в Афганистане: особенности политической борьбы в 1919-1953 гг. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. – М.: Институт востоковедения РАН, 2012. 58 с.; *Князев А.А.* История афганской войны 1990-х гг. и превращение Афганистана в источник угроз для Центральной Азии. Монография. – Бишкек: Изд-во КРСУ, 2002. Изд-е 2-е. – 229 с.; *Коргун В.Г.* Формирование и эволюция политической системы современного Афганистана (1919-1999 гг.). Автореф. дисс. док. ист. наук. – М., 2000. – 48 с.; *Коргун В.Г.* История Афганистана. XX век. М.: ИВ РАН, Крафт+, 2004. – 528 с.; *Сикоев Р.Р.* Талибы: религиозно-политический портрет. – М.: Институт востоковедения РАН, Крафт+, 2004. – 256 с.; *Чихринова А.И.* Внешнеполитические интересы России в Афганистане: современные приоритеты. Автореф. дис. канд. полит. наук. – М., 2015. – 27 с.

⁷ *Акмалов Ш.И.* Проблема афганского урегулирования в современных пакистано-иранских отношениях. Автореф. дисс. канд. полит. наук. – Т., 2002. – 22 с.; *Кашинская Л.Ф.* Становление национальной государственности Афганистана (Историко-правовое исследование). Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Т. 1993. – 21 с.; *Сафоев С.С.* Марказий Осиёдаги геосиёсат. Монография. – Т.: Патент пресс, 2005. – 160 б.; *Туляганова Н.У.* Афганский конфликт и его последствия в контексте становления новой системы безопасности

афғон давлатчилиги шаклланишининг тарихий асослари, XX аср охири ва XXI аср бошларида мамлакатдаги ички сиёсий вазият ҳамда афғон муаммосининг минтақага таъсири каби масалаларни ёритишган.

Шунингдек, тадқиқ этилаётган даврда афғон давлатчилигида рўй берган салбий жараёнларнинг бевосита гувоҳи бўлган, хусусан афғон можаросининг давлатчилик анъаналарига таъсири, «Толибон» ҳаракати бошқаруви даврида мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўз ишларида акс эттирган А.Бегий, А.Мубориз, П.Чингиз, N.Misdaq, R.B.Rais ва A.Saikal каби афғон олимларининг тадқиқотлари ҳам диққатга сазовордир⁸.

Учинчи гуруҳ: Афғонистонда замонавий давлатчиликни шакллантириш бўйича амалий ишларнинг бошланиши ва бориши ҳамда мазкур жараёнда дунёдаги етакчи давлатларнинг тутган позицияси ва ўрни, шунингдек бу борадаги мавжуд муаммолар каби масалаларга бағишланган илмий ишлар M.Bhatia, M.Sedra, J.A.Thier, K.Katzman, C.Johnson, W.Maley, B.Rubin, F.Starr, C.Cookman ва C.Wadhams⁹ томонидан олиб борилган бўлса, ўзбекистонлик олимлар Ш.И.Акмалов, И.И.Бобоқулов, Д.Б.Сайфуллаев, А.А.Умаров ва А.А.Хайдаровлар¹⁰ замонавий Афғонистонни барпо

в Центральной Азии. Автореф. дис. докт. полит. наук. – Т., 2006. – 34 с.; Туляганова Н.У. Афганский фактор в современных международных отношениях в Центральной Азии. Монография. – Т.: Фан, 2004. – 211 с.

⁸ Бегий А. Афғонистон бад аз пирузи-йе энқалоб-е эсломи то сукут-е шимол ба даст-е толебон (1992-1998) (Афғонистон ислом инқилоби ғалабасидан то шимолнинг толиблар кўлидаги сукутигача, 1992-1998). – Пешавор: Дониш, 2002. – 410 с.; Мубориз А. Ҳақойек ва таҳлил-е вақайо-и сиёси-йе Афғонистон (1973-1999). Аз сукут-е салтанат то зухур ва ижроот-е Толебон. (Афғонистон сиёсий воқеалари ҳақиқатлари ва таҳлили (1973-1999). Салтанатнинг ағдарилишидан толибларнинг келгунига қадар). – Пешавор: Майванд, 1378 (1999). – 276 с.; Чингиз П. Афғонистон, асре мужоҳедин ва баромадан-е толебон (Афғонистон, мужоҳидлар даври ва толибларнинг пайдо бўлиши). – Техрон: Қатрах, 1378 (1999). 493 с.; Misdaq, N. Afghanistan: Political Frailty and External Interference. – London and New York: Routledge, 2006. – 351 p.; Rais, R.B. Recovering the Frontier State. War, Ethnicity, and State in Afghanistan. – New York & Toronto: Lexington Books, 2009. – 237 p.; Saikal, A. Modern Afghanistan. A History of Struggle and Survival. – New York: I.B.Tauris, 2004. – 342 p.

⁹ Bhatia, M. and Sedra, M. Afghanistan, Arms and Conflict. Armed groups, disarmament and security in a post-war society. – New York: Routledge, 2008. – 324 p.; Thier, J.A. The Making of a Constitution in Afghanistan / New York Law School Law Review. Volume 51. 2006-07. – 579 p.; Johnson, C., Maley, W., Thier, A. and Wardak, A. Afghanistan's political and constitutional development. – London: Overseas Development Institute, 2003. – 48 p.; Katzman, K. Afghanistan: Post-War Governance, Security, and U.S. Policy. – Washington D.C.: Congressional Research Service (CRS), December 28, 2004. – 51 p.; Katzman, K. Afghanistan: Post-Taliban Governance, Security, and U.S. Policy. – Washington D.C.: Congressional Research Service (CRS), 2009. – 79 p.; Katzman, K. Afghanistan: Politics, Elections, and Government Performance. – Washington, D.C.: Congressional Research Service (CRS), January 12, 2015. – 58 p.; Katzman, K. Afghanistan: Post-Taliban Governance, Security, and U.S. Policy. – Washington, D.C.: Congressional Research Service (CRS), December 22, 2015. – 75 p.; Cookman, C. and Wadhams, C. Governance in Afghanistan: Looking Ahead to What We Leave Behind / Center for American Progress. – Washington, D.C. May 2010. – 44 p.; Maley, W. Rescuing Afghanistan. – Sydney: University of New South Wales Press Ltd, 2006. – 176 p.; Rubin, B.R. Afghanistan's Uncertain Transition From Turmoil to Normalcy. – New York: Council on Foreign Relations (CFR), 2006. – 44 p.; Rubin, B. Crafting a Constitution for Afghanistan / Constitutional Politics in the Middle East. With special reference to Turkey, Iraq, Iran and Afghanistan. Edited by Said Amir Arjomand. – Oxford: Hart Publishing, 2008. – 210 p.; Starr, F. A «Greater Central Asia Partnership» for Afghanistan and its neighbors. – Washington: Central Asia-Caucasus Institute. 2005.

¹⁰ Акмалов Ш. Проблемы и перспективы становления современного Афганистана / Центральная Азия в XXI веке: сотрудничество, партнерство и диалог. Материалы международной конференции. – Т.: Шарк, 2004. – 223 с.; Акмалов Ш. О некоторых аспектах военно-политической обстановки в Афганистане. // Востоковедение. №1-2, 2008. – 11-15 с.; Акмалов Ш. Афганистан в современной системе международной безопасности / Центральная Азия и Кавказ. Выпуск 6 (66), 2009. – 21-27 с.; Bobokulov, I. State Building in Afghanistan: Decentralization vs Centralization / Central Asia and the Caucasus, vol. 16, no. 2, 2015. – p. 107-114.; Сайфуллаев Д.Б. Афганский вопрос и обеспечение безопасности в Центральной Азии / Вестник ПАГС. – 2012. №32. – С.

этишнинг муаммолари, мамлакатдаги ҳарбий-сиёсий вазият, ташқи кучларнинг афғон давлатчилигига таъсири каби масалаларни ёритишган. Шунингдек, A.Wardak, N.Nojumi, R.Roashan, N.Shahrani каби афғон олимлари ва мутахассислари¹¹ замонавий босқичда афғон давлатчилигидаги объектив ва субъектив омилларни ўрганиб, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга ҳолисона баҳо беришган.

Юқоридаги илмий ишлардан фарқли ўлароқ ушбу тадқиқот ишида афғон давлатчилиги шаклланиши масаласи атрофлича ва тизимли тартибда ёритилди, афғон давлатчилиги шаклланиши ва ривождаги ташқи кучларнинг таъсири ва ўрни қиёсий таҳлил қилинди ҳамда давлатчилик тараққиёти бўйича илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №10 «Шарқ мамлакатларида кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг халқаро муносабатларга таъсири» мавзуидаги устувор илмий тадқиқот йўналишига мос келади ҳамда А-1-188 «Хорижий Шарқ ва Ғарб давлатлари ижтимоий-сиёсий ривожининг назарий ва амалий жиҳатлари бўйича замонавий ўқув адабиётларини яратиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги ва А-1-191 «Хорижий тиллардаги тарихий асарларнинг илмий тадқиқи ва танқидий таҳлили асосида Шарқ мамлакатлари тарихига оид замонавий ўқув адабиётларини яратиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XIX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозирга қадар афғон давлатчилиги шаклланишига ташқи омиллар, шарт-шароитлар, халқаро ва минтақавий жараёнларнинг таъсирини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

давлатчилик муаммоларини тадқиқ этишнинг назарий-методологик жиҳатларини ўрганиш, бу борадаги концептуал қараш ва ёндашувларни қиёсий таҳлил этиш;

41-43; Sayfullaev D. Afghan for Central Asia and Uzbek Prescription for its Treatment / The publication is brought out under the project Cooperative Development, Peace and Security in South and Central Development sponsored by Ministry of External Affairs (MEA). – New Delhi, 2013. – P. 65-70.; Умаров А.А. Фактор Афганистана в региональной безопасности Центральной Азии в начале XXI века. Автореф. дис. докт. философии (PhD) по полит. наук. – Т., 2017. – 48 с.; *Khaydarov, A. Role of Ethno-Religious Factor in Stabilisation of Internal Political Situation in Afghanistan and its Impact on Central Asia / India and Central Asia: Advancing the Common Interest* (edit. Dwivedi, R. and Santhanam, K.).– New Delhi: Institute for Defence Studies and Analyses & Anamaya Publishers, 2004. – 339 p.

¹¹ *Wardak, A. Jirga – A Traditional Mechanism of Conflict Resolution in Afghanistan.* – Treforest (UK): University of Glamorgan, 2003.; *Wardak, A. and Braithwaite, J. Crime and War in Afghanistan / British Journal of Criminology.* December 2012. – 18 p. <http://bjc.oxfordjournals.org/azs066.pdf>; *Nojumi, N. American State-Building in Afghanistan and Its Regional Consequences. Achieving Democratic Stability and Balancing China's Influence.* – Lanham, Maryland (USA): Rowman and Littlefield, 2016. 340 p.; *Roashan, R. Loya Jirga: One of the Last Political Tools for Bringing Peace to Afghanistan / Institute for Afghan Studies.* July 30, 2001. <http://www.institute-for-afghan-studies.roashan.com/AFGHAN%20CONFLICT/LOYA%20JIRGA/LoyaJirgaLastToolDrRoashan.htm>; *Shahrani, N. Afghanistan's Alternatives for Peace, Governance and Development: Transforming Subjects to Citizens & Rulers to Civil Servants / Ottawa Centre for International Policy Studies (CIPS). Afghanistan Papers №2, 2009.* – 17 p.

давлат ва давлатчилик тушунчаларининг моҳиятини ўрганиш, давлатчилик тушунчасига боғлиқ мулоҳазаларни тақдим этиш;

XIX аср иккинчи ярмидан то XXI аср бошлари (2015 йил)гача Афғонистон атрофида рўй берган халқаро ва минтақавий жараёнларни таҳлил қилиш;

ўрганилаётган даврда Афғонистонда давлат бошқарув шаклининг бир неча бор (инқилоб, тўнтариш, уруш натижасида) трансформациялашувини таҳлил этиш, уларнинг афғон давлатчилигидаги таъсири ва ўрнини баҳолаш;

Афғонистонда «Толибон» ҳаракати бошқарувининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш;

замонавий босқичда етакчи кучларнинг Афғонистонга нисбатан тутган позициясини ўрганиш ва тегишли баҳо бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XIX аср иккинчи ярмидан то XXI аср бошларигача бўлган Афғонистон белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини афғон давлатчилиги шаклланиши жараёнига нисбатан ташқи кучларнинг таъсири ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот давомида илмий билишнинг умумий ва махсус усулларида кенг фойдаланилди. Хусусан, кузатиш, умумлаштириш, тарихийлик, мантикийлик, тизимли таҳлил, ивент таҳлил, функционал таҳлил, қиёслаш, хронологик ва шу каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Дюранд битими натижасида Буюк Британия томонидан афғон давлатидан ажратиб олинган жанубий-шарқий ҳудудлар учун мамлакат шимоли (Афғон Туркистони ёки Жанубий Туркистон)ни афғон давлати таркибига қўшишга ундаш ва мазкур жараёнда иштирок этиш орқали ўша давр инглиз ҳукуматининг ўзига хос сиёсат юритганлиги далилланган;

Афғон заминида XIX аср иккинчи ярмидан ҳозирга қадар давом этган турли сиёсий жараёнлар, хусусан мамлакат нейтралитетининг эълон қилиниши ва унга гегемон давлатларнинг дахл қилиши, чет давлатларнинг аралашуви оқибатида сиёсий тузум ўзгаришлари давлатчилик шаклланишига таъсир кўрсатган ташқи омиллар сифатида асосланган;

Афғонистондаги ўзаро урушлар ва можаролар, хусусан турли сиёсий-ҳарбий тузилма («танзим»)лар ва «дала қўмондонлари» ўртасидаги ҳокимият учун кураш давлатчиликка салбий таъсир кўрсатган ички омиллар эканлиги исботланган;

узоқ муддатли трансформациядан сўнг 2001-2015 йилларда Афғонистонда замонавий давлатчилик шаклланишининг сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилганлиги ва у уч босқичда амалга оширилганлиги асосланган;

Афғон давлатчилигининг шаклланишига етакчи давлатларнинг ўз геосиёсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб борган бир томонлама сиёсати ва унинг салбий оқибатлари асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Афғон давлатчилиги жараёнларига нисбатан ташқи салбий таъсир (уруш, ўзаро кураш) алалоқибат бутун давлатни пароканда қилганлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари Афғонистон мисолида очиб берилган;

Афғонистонда замонавий давлатчилик шаклланишининг сиёсий-ҳуқуқий асосларини аниқ белгилаб олиш ва келгусида давлатчилик устунларини янада мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий қайта тиклаш жараёнларида халқаро ҳамжамиятнинг ўрни ва роли очиб берилган ҳамда уларнинг иштирокига оид таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг соҳа бўйича мутахассис ва олимларнинг илмий ишлари, асарлари ҳамда расмий манбалардан, шунингдек, афғон давлатчилиги масалаларини ўрганадиган тадқиқот марказларининг таҳлилий ҳужжатлари, оммавий ахборот воситалари ва интернет манбаларида ёритилган маълумотлардан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти Афғонистонда ва минтақада замонавий босқичда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, афғон давлатчилигининг ҳам назарий, ҳам амалий масалаларини тадқиқ этаётган тадқиқотчи ва мутахассислар учун фойдали бўлиши мумкин. Тадқиқот натижаларидан Афғонистоннинг минтақа давлатлари, хусусан Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларини таҳлил қилишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти «Жаҳон сиёсати», «Халқаро муносабатлар» «Ташқи сиёсат», «Сиёсатшунослик», «Минтақашунослик» йўналишлари бўйича фанларни ўқитишда ҳамда тегишли йўналишлар бўйича тадқиқот ишларини бажариш учун манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, афғон муаммоси билан шуғулланаётган мутахассислар, етакчи илмий-тадқиқот муассасалари, «таҳлилий марказлар» ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Афғон давлатчилиги шаклланишига халқаро ва минтақавий жараёнларнинг таъсири бўйича олинган натижалар асосида:

Ғарб ва минтақа давлатларининг афғон давлатчилигига нисбатан тутган мавқеи, Афғонистондаги ички сиёсий кучларнинг ўзаро муносабатлари ва уларнинг ички сиёсий барқарорликни таъминлашга таъсири хусусидаги хулосалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг бир қатор таҳлилий ҳужжатларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2016 йил 14 ноябрдаги №18-2/32750-сон маълумотномаси). Натижада Афғонистонда ички сиёсий

барқарорликка эришишда ҳамда мамлакатга халқаро ҳамжамият томонидан кўрсатилаётган молиявий ва бошқа кўмакка таъсир этаётган омилларни ёритиб берилишида асос бўлиб хизмат қилган;

АҚШ, Россия Федерацияси ва Хитой каби етакчи давлатлар қаторида Покистон ва Эрон каби минтақа мамлакатларининг замонавий афғон давлатчилиги шаклланишидаги роли ва таъсири, афғон ҳукумати ва сиёсий элита вакиллари билан муносабатлари ҳамда афғон заминини қайта тиклаш ишларидаги иштирокига оид маълумотларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти доирасида тайёрланган ахборот-таҳлилий материалларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтининг 2018 йил 29 мартдаги №03/717-сон маълумотномаси). Афғонистонда замонавий бочқичда кечаётган давлатчилик жараёнларини ёритиш билан бир қаторда мазкур жараёнга нисбатан етакчи давлатларнинг ҳамда минтақа давлатларининг тутган мавқеларини таҳлил этишда асос бўлган;

мамлакатимизда афғоншуносликнинг бугунги ҳолати ва бу соҳада олиб борилган илмий тадқиқот ишлари, шунингдек замонавий босқичда Афғонистон ва унинг атрофида кечаётган жараёнлар бўйича «Ўзбекистон 24» информацион дастурида «Эксперт фикри» рукни остида туркум кўрсатувлар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси «Ўзбекистон 24» телерадиоканалининг 2018 йил 31 мартдаги №01-09-289-сон маълумотномаси). Кўрсатувлар давомида Ўзбекистон Республикасининг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида 2018 йилнинг 26-27 март кунлари Афғонистон бўйича ўтказилган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги халқаро конференциянинг мақсади ва аҳамияти, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда қўшни мамлакатнинг иқтисодий қайта тикланишига, ушбу заминда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмага оид лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таклиф ва ташаббусларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб берилишига хизмат қилган.

Тадқиқот ишининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзусига оид жами 26 та илмий иш, шу жумладан, 1 та илмий монография, 1 та ўқув қўлланма (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 12 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Замонавий давлатчилик шаклланишини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари»** деб номланиб, ушбу боб доирасида мавзунинг назарий-методологик жиҳатлари таҳлил этилди.

Давлатнинг моҳияти, функция ва вазифаларини инобатга олган ҳолда, давлат ҳақида тарихан шаклланган назариялар, илмий концепциялар ўрганиб чиқилди. Бу борада Ғарб олимларининг аксарияти М.Вебер томонидан билдирилган давлат – бу муайян ҳудудда қонуний ҳолда табиий кучдан фойдаланишдаги монополиядир, деган таърифга асосланиши маълум бўлди.

Давлат ва унинг асосида шаклланувчи давлатчиликка нисбатан Россиялик олимлар тадқиқотларини ҳам ўрганиш давомида давлат нафақат ҳудудий жиҳатдан, балки жамиятнинг сиёсий асоси сифатида фаолият кўрсатувчи тузилма сифатида тан олинishi ҳамда рус олимларининг аксарияти ушбу ёндашувни маъқуллашлари намоён бўлади.

Тадқиқот давомида Ўзбекистонлик олимларнинг ишларида давлат тарихий, ижтимоий ва маданий урф-одатлар, анъана ва қадриятлар билан чамбарчас боғлиқ тузилма эканлигига урғу берилиши ўрганилди.

Шу билан бирга, давлатчилик тушунчаси ҳам, бир гуруҳ ўзбекистонлик олимларнинг ишларида нисбатан кенг ёритилган ва уларнинг фикрича, давлатчилик – бу инсоният цивилизацияси ривожланиши жараёнида тадрижий шаклланадиган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий омилларнинг жамламаси бўлиб, унинг асосида давлат суверенитети ва барқарорлигини таъминлаб берувчи давлат механизми ётади.

Тадқиқот давомида давлатчилик муайян бир давлат ҳаётидаги узвий жараён эканлиги, у тегишли тартибда ўзининг шаклланиш, ривожланиш ҳамда барбод бўлиш/парчаланиш босқичларига эга бўлиши ва баъзи ҳолатларда муайян сабаблар (чет давлатларнинг агрессиясига учраши, мустамлакага айланрилиши ва ш.к.)га кўра давлатчиликка чек қўйилиши, сўнгра эса қайта тикланиши мумкинлиги хусусидаги хулосаларга келинди.

Замонавий давлатчилик жараёнларини таҳлил қилар эканмиз, ҳозирги пайтда дунёда давлатчилик моҳияти ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб бир неча йўналишларда мавжудлиги ва ривожланаётганлиги маълум бўлади. Жумладан, ҳозирги даврда Ғарб мамлакатларида яратилган бир

қатор тадқиқотларда муайян бир давлатнинг иқтисодий тараққиёти давлатчилик асосини ташкил этади, деган қарашлар устун эканлиги юзага чиқди. Ушбу фикрни бевосита Иккинчи Жаҳон урушидан кейин Европа мамлакатларида вужудга келган ҳамда давлатнинг иқтисодий нуқтаи-назардан тараққиётини кўзда тутувчи «Умумий фаровонлик давлати» назарияси билан боғлиқ ҳолда талқин этиш мумкин.

Шу билан бирга, Ғарб мамлакатларида давлатчилик шаклланиши – бу демократияга ўтиш жараёнидир, деган фикрлар ҳам мавжудлиги ўрганилди.

Мазкур бобда давлатчилик ривожидан келиб чиққан ҳолда айни пайтда Афғонистонда давлатчиликнинг ҳолатига оид кўплаб чет эллик ҳамда афғон олим ва мутахассисларининг фикр ва қарашлари ёритиб берилди. Мазкур фикр ва қарашлар ўзининг ранг-баранглиги, турли нуқтаи назарлардан келиб чиқиб баён этилганлиги маълум бўлди.

Биринчи бобдаги назарий-методологик қарашларни умумлаштирган ҳолда, давлатчилик бу – давлат тушунчасига нисбатан кенг ва уни қамраб олувчи тушунча эканлигини таъкидламоқчимиз ва қуйидаги таърифимизни таклиф қиламиз: «Давлатчилик – муайян ҳудудда тарихий, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, этномаданий ва диний асосда шаклланадиган ва ривожланадиган давлат ҳамда жамият институтлари ўзаро муносабатларининг йиғиндисидир. Давлатчилик негизини барқарор фаолият юритувчи давлат ва фуқаролик жамияти ташкил этади».

Тадқиқотнинг иккинчи боби **«Афғон давлатчилиги шаклланиши-нинг тарихий асослари ва минтақавий жараёнлардаги ўрни»** деб номланиб, XIX аср – XX аср бошида Буюк Британиянинг Афғонистонга қарши бир неча марта амалга оширган ҳужуми, шунингдек Британия ва Россия империялари ўртасидаги Туркистон учун бўлиб ўтган кураш ва унинг натижалари ҳозирги кунгача ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келаётганлиги тадқиқот натижасида намоён бўлади.

1893 йилги Дюранд битимига кўра, чегара чизигининг ўнг томонида қолган Пешовар шаҳри, Вазиристон ва пуштунлар истиқомат қиладиган бир қатор ҳудудларга бўлган Афғонистоннинг даъвосига жавобан Британия ҳукумати афғон давлатини мамлакат шимолидаги ҳудудларни қўшиб олишни ва у ерда ўз ҳокимиятини мустаҳкам ўрнатишга ундаганлиги маълум бўлади. Инглизлар ушбу хатти-ҳаракати билан қуйидагиларни кўзлаганлиги маълум бўлади. Биринчидан, Чор Россияси сарҳадларининг Ҳиндистондаги Британия мулклари билан бевосита чегарадош бўлиб қолишини олдини олишга кўзланган бўлса, иккинчидан Дюранд битими натижасида афғон давлатидан ажратиб олинган ва Ҳиндистондаги Британия мулкларига қўшиб юборилган ҳудудлар учун мамлакат шимолидаги ерлар (Афғон Туркистони ёки Жанубий Туркистон) ўзига хос **компенсация** вазифасини ўташи керак эди.

Дунёда XIX асрдан бошлаб кечган турли халқаро жараёнлар, хусусан Осиёдаги мустамлакалар учун курашда ҳамда ўз даврининг йирик

империялари бўлмиш Буюк Британия ҳамда Чор Россияси ўртасидаги ўзаро муносабатларда Афғонистоннинг асосий масалага айланганлигига урғу берган ҳолда, XX аср биринчи ярмида рўй берган иккала жаҳон урушларида етакчи давлатлар томонидан афғон давлатига ўтказилган босимларга қарамасдан Афғонистон бетарафлик позициясида турганлиги ва бу билан халқаро ҳамда минтақавий жараёнлардан ўзини чеклаш орқали етакчи давлатлар таъсирига тушиб қолмаганлигини афғон давлатчилигидаги ижобий ҳолатлардан бири сифатида алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир.

XX аср иккинчи ярмидан бошлаб АҚШ ва собиқ совет давлати етакчилигидаги кучлар ўртасида кечган «совуқ уруш»да Афғонистон яна марказий ўринга чиққанлиги, Афғонистон атрофида турли кучлар томонидан геосиёсий «ўйинлар» (Катта ўйин – Great Game, Янги катта ўйин – New Great Game)нинг олиб борилганлиги ва бундай ҳолат афғон давлатчилигига салбий таъсир кўрсатганлиги тадқиқот давомида намоён бўлади.

1978 йилда М.Довуднинг ҳокимиятдан ағдарилиши Афғонистонда 230 йилдан бери ҳукмронлик қилиб келаётган дурронийлар сулоласи бошқарувининг тугаганлигини ҳам билдирар эди. М.Довуд бошқарувининг тугаши XIX аср охиридан бошлаб афғон давлатчилигида қийинчилик билан шаклланиб келган ҳокимиятнинг марказийлашуви ва нисбатан барқарорлигига хотима берди.

Собиқ совет давлатининг Афғонистонга қўшин киргизишдан мақсади биродар афғон халқига ёрдам кўрсатиш эмас, балки ўзининг жанубий сарҳадлари хавфсизлигини таъминлаш эди.

Собиқ совет давлати ҳарбий қўшинларининг афғон заминидан олиб чиқиб кетилиши (1989 й.) ва АХДП тузумининг инқирози (1992 й.)дан сўнг Афғонистонда мужоҳидлар ўртасида ўзаро ички урушлар авж олди (1992-1996 йй.). Марказий ҳокимиятнинг йўқлиги, маҳаллий ҳудудларнинг «дала қўмондонлари» назоратида бўлиши ва ушбу шахслар томонидан олий ҳокимиятга хос функцияларнинг жойларда бевосита амалга оширилиши Афғонистонда давлатнинг тамомила инқирозга учрашига олиб келди. Бу даврда мамлакатдаги мужоҳидлар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар «ҳамма ҳаммага қарши» тамойили бўйича урушга айланди ва бу уруш «Толибон» ҳаракати марказий ҳокимиятни қўлга киритгунга қадар давом этди ҳамда Афғонистонда марказлашган давлат тизими бутунлай барбод бўлиб, алоҳида ҳудудларда «давлатга ўхшаш сиёсий тузилмалар»нинг вужудга келишига замин яратди.

Афғонистонда бундай сиёсий тарқоқлик ҳолатининг мавжуд бўлиши сиёсий ва илмий доираларда афғон давлати тузилиш шаклини ўзгартириш лозимлиги, яъни Афғонистонни унитар давлатдан федератив тузилиш шаклига эга давлатга айлантириш лозимлиги ҳақидаги фикр ва қарашларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Афғон давлати «Толибон» ҳаракати бошқаруви даврида буткул инқирозга учраган ҳолича қолаверди. Тарихан ислом байроғи остида турли миллат ва конфессиялар ўзининг орзусида бўлган давлатчилигини барпо этишга уринганидек, «Толибон» ҳаракати ҳам беш йиллик ҳокимиятда бўлган даврида афғон давлатчилиги тузилмаси ислом халифалиги тизимига мослаштирилди ва мамлакат худуди бўйлаб афсонавий ислом давлатчилигини амалга оширишга уриниб келди. Бунинг натижасида мамлакат ривожланиши бир неча ўн йиллар орқада қолди.

Диссертациянинг учинчи боби **«2001 йил сентябрь воқеаларидан сўнг Афғонистонда замонавий давлатчиликни шакллантириш жараёни ва унда халқаро ҳамжамиятнинг иштироки»** деб номланган. Афғонистонда XX аср охирида ҳам давом этган можаро ва беқарор вазият оқибатида давлат институтлари бутунлай инқирозга юз тутди. Давлат институтларининг ўз функция ва вазифасини бажара олмаслиги ўз навбатида жамиятдаги ижтимоий тартибларнинг бузилишига ҳамда вазиятнинг кескинлашувига, шунингдек ташқи кучлар аралашувининг кучайишига олиб келди.

2001 йил 11 сентябрь воқеалари нафақат Афғонистонга, балки бутун Евроосиё минтақасидаги вазиятга катта таъсир ўтказиб, минтақадаги геосиёсий ҳолатни ўзгартириб юборди.

2001 йил сентябрь воқеаларидан сўнг халқаро ҳамжамиятнинг АҚШ етакчилигида «Толибон» ҳукумати ва «Ал-Қоида» халқаро террористик гуруҳига қарши аксилтеррор операциясини бошлаганлиги Афғонистоннинг катта ўзгаришлар томон юз буришига, яъни бир неча йиллар уруш гирдобида ётган мамлакатда давлатчилик анъаналарининг янгидан шаклланиши ва вайронага айланган ушбу худуднинг қайта тикланишига асос солди.

Халқаро ҳамжамият томонидан 2001-2014 йиллар давомида амалга оширилган аксилтеррор операцияси тобора кучайиб бораётган радикал ислом кучларининг фаолиятини чеклаб, уларга кескин зарба берди. Мазкур 13 йил давомида Халқаро ҳамжамият фақат ислом радикалисларига қарши кураш билан чекланиб қолгани йўқ ва афғон давлатчилигининг янги асосларини шакллантиришга ҳаракат қилди.

Бу даврда Афғонистонда конституциявий ислохотлар амалга оширилди. 2004 йилда замонавий давлатчиликни барпо этишнинг ҳуқуқий асоси бўлмиш Конституция қабул қилинди.

Уч маротаба ўтказилган президентлик сайловларида икки нафар шахс президент лавозимига сайланди. Президентлик институти мамлакатда мавжуд бўлган миллатлар ўртасидаги мувозанатни эътиборга олган ҳолда шакллантирилди. Бошқарувнинг бир шаклидан иккинчи шаклига ўтиш шароитида тамомила янги кўринишдаги давлатчилик барпо этаётган давлатларда умуммиллий даражадаги етакчи бошчилигида кучли президентлик бошқарувига эҳтиёж бўлиши табиийдир. Шу нуқтаи-назардан

Афғонистоннинг янги давлат бошқаруви тизимида президент ҳам давлат, ҳам ҳукумат бошлиғи этиб белгиланганлиги бежиз эмас. 2014 йилги президентлик сайловларидан кейин ижро ҳокимияти раҳбари лавозимининг таъсис этилишини аввало, мамлакатдаги етакчи сиёсий кучлар ўртасидаги келишув/консенсуснинг натижаси, сўнгра эса келгусида бош вазир лавозимини таъсис этилиши йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг бошланиши сифатида талқин қилиш ўринлидир.

